

Қаюмов А.А.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент» кафедраси профессори, география фанлари доктори

Захирова Г.М.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИНГ ЁШ-ЖИНСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

ҚАЮМОВ А.А., ЗАХИРОВА Г.М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИНГ ЁШ-ЖИНСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси аҳолиси, унинг ёш-жинсий таркиби хусусиятлари, мамлакат аҳолисининг вилоят ва минтақалар кесимидаги бандлиги, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аёллар сони ва салмоғи ўрганилган ва баҳоланган.

Таянч иборалар: аҳоли сони, демографик ҳолат, бандлик, аёллар бандлиги, меҳнат унумдорлиги, иш билан бандлик статистикаси.

ҚАЮМОВ А.А., ЗАХИРОВА Г.М. ПОЛО-ВОЗРАСТНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

В статье изучается население Республики Узбекистан, особенности его половозрастной структуры, занятость населения по областям и регионам, оценка численности и доли занятых женщин по отраслям экономики.

Ключевые слова: численность населения, демографическая ситуация, занятость, занятость женщин, производительность труда, статистика занятости.

QAYUMOV A.A., ZAHIROVA G.M. GENDER AND AGE FEATURES OF EMPLOYMENT OF THE POPULATION IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

In this paper we study the population of the Republic of Uzbekistan, features of its gender and age structure, employment on areas and regions, the number and proportion of employed women by economic sector.

Keywords: population, demographics, employment, women's employment, labor productivity, employment statistics.

Аҳоли бандлиги, жумладан ёшлар ва аёлларнинг иш билан таъминланганлиги масаласи республикамизда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу масаланинг деярли ярим асрдан ортиқ давр давомида долзарб аҳамиятга эгаллигини кўпчилик олим ва мутахассислар яхши билишади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодиёт ва хизмат соҳасининг барқарор юқори суръатларда ўсиши жуда муҳим устувор вазифа эканлиги, аҳолини, даставвал касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлашни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги таъкидлаб ўтилди. 2015 йилда 980 мингдан зиёд иш ўринлари барпо этилди, шундан 60 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларга тўғри келди. Коллежлар битирувчиларининг 480 мингдан зиёд қисми иш билан таъминланди. Маърузада 2016 йилда 990 минг янги иш ўринлари барпо этиш назарда тутилганлиги, ёшларни, айниқса қишлоқ ёшларининг иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш мамлакатимиз учун энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолишлиги таъкидланди¹.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон учун, айниқса унинг қишлоқ жойлари, шаҳарчалари, кичик ва ўрта шаҳарчалари учун аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш яқин ярим аср ичида долзарб масала ҳисобланган ва ҳозирги вақтда ҳам ана шундай бўлиб қолмоқда. Бу ўринда ёшлар билан

бир қаторда аёлларни ҳам иш билан таъминлаш масаласи ўта мураккаб ва ўзига хос нозик масала эканлигини айтиб ўтиш зарур.

Ўзбекистонда аҳоли бандлиги масаласи мураккаб ва серқирра бўлганлиги сабабли, уни иқтисодчилардан ташқари социологлар, иқтисодчи-географлар, демографлар ва бошқалар ўрганиб келмоқда. Аҳоли бандлиги муаммоси билан шуғулланиб келган тадқиқотчилар қаторида академик Р.Убайдуллаева алоҳида ўринга эгаллигини айтиб ўтиш зарур. Чунки Р.Убайдуллаева аҳоли бандлигининг назарий масалалари билан бир қаторда аёлларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳам тадқиқ этган. Ўзбекистонда ушбу масалаларнинг у ёки бу жиҳатларини М.Абдусаломов, Т.Ахмедов, О.Ата-Мирзаев, К.Абдурахмонов, А.Вахобов, А.Низомов, Д.Ортиқова, А.Содиқов, А.Сотволдиев, Б.Рўзметов, С.Салаев, Н.Шоюсупова, Н.Тўхлиев, А.Қаюмов, А.Қодиров ва бошқалар тадқиқ этиб келмоқда².

Ўзбекистон жаҳоннинг ўртача аҳоли соҳига эга мамлакатлари қаторига киради.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий узгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йул очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

² Қаюмов А. Современное состояние экономики Узбекистана (макроэкономический анализ). // «Общественное мнение. Права человека». Гуманитарный журнал, 2014, №3. -С. 70; Салаев С., Каландарова Ф. Аҳоли бандлигини таъминлашнинг демографик тенденциялари. / «Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг демографик муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. 3 март 2015 йил (1-жилд). – Урганч, 2015. -146-148-б.; Колосова Р.П. и др. Глобализация экономики и занятость населения. Учебное пособие. – М.: «ТЕИС», 2000, -С. 106; Ата-Мирзаев О. Демографическая ситуация Узбекистана и ее перспективы. // «Общественное мнение. Права человека». Гуманитарный журнал. 2014, №3. -С. 63.; Абдусаломов М., Алимов А., Мусиенко И. Производительные силы и совершенствования экономических связей Узбекистана. – Т.: «Фан», 1986; Рўзметов Б. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дис. д.э.н. – Т., 1997; Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2005.; Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти асослари. – Т.: «ЎЗМЭ ДИН», 2006.

Мамлакат аҳолисининг сони 2014 йил бошида 30,5 миллион кишини ташкил этди.

Республикада 2013 йилда иш билан банд аҳолининг сони 12,5 миллион кишига тенг бўлди. Жами банд аҳолининг 12,9%и саноатга, 27,2%и қишлоқ ва ўрмон хўжалигига тўғри келади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёлларнинг 62 фоиздан ортиқ қисми иқтисодийнинг турли тармоқларида, бошқарув ва ишлаб чиқариш соҳаларида фаол меҳнат қилмоқда¹. Иш билан банд бўлганларнинг ичида аёллар ўзининг муносиб ўринларига эга. Аёлларнинг ҳиссалари савдо ва умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат соҳаларида айниқса салмоқлидир.

Банд эркаларнинг асосий қисмини 25-54 ёшдагилар ташкил этса, аёлларда бундай гуруҳни 16-49 ёшдагилар ташкил қилади². Банд аҳолининг ўртача ёши эркаларда 37,6 ёшга тенг бўлса, ушбу кўрсаткич аёлларда 35,8 ёшни ташкил этмоқда. Аёллар бандлигига хос ушбу хусусиятларни ҳисобга олиш аҳамиятлидир. Бунинг учун эса жами аёллар сони, уларнинг қанчаси меҳнатга лаёқатли ёшдагилардан иборатлиги, уларнинг ҳудудий таркибини билиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон жами аҳолиси, шу жумладан аёллар сони бирмунча тез ўсаётган жаҳон мамлакатлари қаторига киради. Мамлакат жами аҳолисининг сони 2003-2014 йилларда 25,7 миллион кишидан 30,5 миллион кишига етди ёки ўртача йилига 1,7 фоизга ўсиб борди. Шундан аёллар сони 12,9 миллион кишидан 15,2 миллион кишига етди ёки ўртача йилига 1,7 фоизга кўпайди. Таҳлил этилаётган йиллар ичида шаҳар аҳолиси 9,4 миллион кишидан 15,6 миллион кишига етди ёки ўртача йилига 6,5

фоиздан ўсиб борди. Шаҳар аҳоли пунктларидаги аёллар сони 4,8 миллион кишидан 7,8 миллион кишига етди, ўртача йиллик ўсиш суръати 6,1 фоизни ташкил этди. Қишлоқ аҳолиси 16,8 миллион кишидан 14,9 миллион кишига камайди. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан айрим катта қишлоқлар ва йирик қишлоқ фуқаролари йиғинлари марказларининг шаҳарчалар қаторига ўтказилиши ҳал қилувчи роль ўйнади. Натижада қишлоқлардаги аёллар сони 2003-2014 йилларда 8 миллион кишидан 7,5 миллионгача ёки 6,3 фоизга қисқарди. Эркак ва аёллар нисбати 2003-2014 йилларда 50,1:49,9 фоиздан 49,9:50,1 фоизга ўзгарди, яъни 2014 йилда эркаларнинг салмоғи аёлларникига нисбатан 0,2 фоизга устун бўлди³.

1-жадвалда жами аҳоли ҳамда аёллар сони ва салмоғининг ҳудудий таркиби келтирилган. Унга биноан 2014 йилда 2003 йилга нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрининг республика жами аҳолиси ва аёлларига нисбатан салмоғи камайган, бундай ҳолат айниқса Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида сезиларли бўлди. Шу вақтнинг ўзида Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида жами аҳоли, шу жумладан, аёллар улушлари ошган. Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ушбу ҳолат айниқса сезиларли бўлди. Айни пайтда Бухоро, Жиззах ва Хоразм вилоятларида нисбий кўрсаткичларда ўзгариш юз бермади. Бундай ҳолат асосан туғилиш ва табиий кўрсаткичлардаги фарқлар билан боғланган. Ундан ташқари, айрим вилоят-

¹ Рахимова Н. Повышение роли и статуса женщин Узбекистана в годы независимости. // «Общественное мнение. Права человека». Гуманитарный журнал. 2014, №3. -С. 134.

² Ўзбекистон рақамларда. 2014. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2014. -64-б.

³ Йиллик статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. – Т., 2005. -46, 47, 53-б.; Ўзбекистон аҳолиси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2015. -11-12-б.

1-жадвал. Ўзбекистонда мавжуд аҳоли ва аёллар сони ҳамда салмоғининг ҳудудий таркиби¹

Минтақалар	2003 йил				2014 йил			
	Мавжуд аҳоли сони, минг киши	Улуши, фоиз	Аёллар сони, минг киши	Улуши, фоиз	Мавжуд аҳоли сони, минг киши	Улуши, фоиз	Аёллар сони, минг киши	Улуши, фоиз
Ўзбекистон Республикаси	25802,0	100	12931,0	100	30492,8	100	15215,3	100
Қорақалпоғистон Республикаси	1564,0	6,1	783,0	6,1	1736,5	5,7	867,2	5,7
Вилоятлар:								
Андижон	2315,0	9,0	1160,0	9,0	2805,5	9,2	1390,4	9,1
Бухоро	1494,0	5,8	752,0	5,8	1756,4	5,8	880,4	5,8
Жиззах	1036,0	4,0	514,0	4,0	1286,8	4,0	611,6	4,0
Қашқадарё	2340,0	9,0	1168,0	9,0	2895,3	9,5	1437,1	9,4
Навоий	807,0	3,1	402,0	3,1	901,1	3,0	444,0	2,9
Наманган	2048,0	7,9	1022,0	7,9	2504,1	8,2	1236,4	8,1
Самарқанд	2825,0	10,9	1419,0	10,9	3445,6	11,3	1720,3	8,1
Сурхондарё	1868,0	7,2	928,0	7,1	2308,3	7,5	1146,1	7,5
Сирдарё	672,0	2,6	340,0	2,6	463,8	2,5	380,0	2,5
Тошкент	2445,0	9,5	1226,0	9,5	2725,9	8,9	1365,9	9,0
Фарғона	2811,0	10,9	1409,0	10,9	3386,5	11,1	1885,0	11,1
Хоразм	1413,0	5,5	710,0	5,5	1684,1	5,5	873,8	5,5
Тошкент шаҳри	2154,0	8,4	1098,0	8,5	2352,9	7,7	1207,1	7,9

ларда (Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятлари) бунинг негизда миграция жараёнлари ҳам ётади.

Юқоридаги ўзгаришлар шаҳар аҳолиси мисолида кўрилганда, улар яна ҳам яққолроқ кўзга ташланади. Энг аввало, ўзгаришлар баъзи бир маъмурий-ҳудудий бўлаклар доирасида сезиларли бўлганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси шаҳар аҳолиси салмоғидаги улуши 2014 йилда 2003 йилга нисбатан 8,1 фоиздан 5,5 фоизгача пасайди. Шунга ўхшаш ҳолат Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри кўрсаткичларида ҳам юз берди. Чунончи, Тошкент шаҳрининг Республика шаҳар

аҳолиси ва аёллари сонидаги улуши 2003 йилда тегишли тарзда 22,9 ва 23,1 фоиздан 2014 йилга келиб 15,1 ва 15,4 фоизга тушиб қолди. Бундай ўзгаришлар республика шаҳар аҳолиси сони ва улушида бўлиб ўтган катта ўзгаришлар билан боғланган. Айти пайтда Андижон, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида шаҳар аҳолиси ва аёллари сонининг республика шаҳар аҳолиси ва аёллари сонидаги улушлари 1 фоиздан салкам 4 фоизгача (Фарғона вилояти) кўпайди.

Мазкур кўрсаткичларни республика минтақалари доирасида кўрсак, аёлларнинг энг катта сони ва салмоқлари ҳозирги вақтда Фарғона (31,4 фоиз), Тошкент (24,1 фоиз), Зарафшон (15,7 фоиз), Жанубий (13,2) минтақаларидаги шаҳар аҳоли пунктларига хос. Энг паст кўрсаткичлар Қуйи

¹ Йиллик статистик тўплам, 2004. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2005. 50-53-б. Ўзбекистон аҳолиси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2015. -11-34-б.

2-жадвал. Ўзбекистоннинг шаҳар аҳоли пунктларидаги мавжуд аҳоли ва аёллар сони ҳамда салмоғи¹

Минтақалар	2003 йил				2014 йил			
	Мавжуд шаҳар аҳолиси		Аёллар		Мавжуд шаҳар аҳолиси		Аёллар	
	сони, минг киши	улуши, фоиз	сони, минг киши	Улуши, фоиз	сони, минг киши	улуши, фоиз	сони, минг киши	улуши, фоиз
Ўзбекистон Республикаси	9481,0	100	4719,6	100	15555,2	100	7809,8	100
Қорақалпоғистон Республикаси	765,0	8,1	384,5	8,1	862,0	5,5	433,5	5,5
Вилоятлар:								
Андижон	691,0	7,3	344,2	7,3	1476,3	9,5	733,9	9,4
Бухоро	450,0	4,8	223,1	4,7	672,9	4,3	336,4	4,3
Жиззах	311,0	3,3	154,9	3,3	581,4	3,7	292,9	3,8
Қашқадарё	583,0	6,1	285,6	6,0	1250,8	8,0	622,4	8,0
Навоий	321,0	3,4	156,5	3,3	448,2	2,9	217,5	2,8
Наманган	769,0	8,1	376,6	8,0	1593,2	10,2	787,2	10,1
Самарқанд	738,0	7,8	369,8	7,8	1324,8	8,5	669,6	8,6
Сурхондарё	364,0	3,8	179,3	3,8	831,5	5,3	417,2	5,3
Сирдарё	212,0	2,2	101,7	2,1	332,2	2,1	166,9	2,1
Тошкент	968,0	10,2	485,9	10,3	1338,5	8,6	676,6	8,7
Фарғона	804,0	8,5	402,7	8,5	1937,0	12,4	993,2	11,9
Хоразм	322,0	3,4	162,4	3,4	553,5	3,7	279,2	3,6
Тошкент шаҳри	2154,0	22,9	1092,4	23,1	2352,9	15,1	1200,0	15,4

Амударё (9,1 фоиз) ва Мирзачўл (5,9 фоиз) минтақаларидаги шаҳар аҳоли пунктларига тўғри келади. Ушбу кўрсаткичлар Фарғона минтақаси бўйича шаҳар аҳолиси салмоғидан атиги 0,2 фоизга кам, Тошкент минтақасида эса, аксинча 0,4 фоизга кўп ва ҳоказо.

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида аёллар билан эркакларнинг сони деярли фарқ қилмайди, фарқ қилса ҳам у катта кўрсаткич эмас. Лекин аёллар эркаклардан фарқли равишда ўзига хос ёш таркибига эга. Буни 3-жадвал маълумотларидан билиш мумкин. Ушбу маълумотларга кўра, Ўзбекистонда туғилаётган болалар сони туғилиш коэффициенти пасаяётганлигига қарамасдан, туғиш ёшидаги аёл-

лар мутлақ сонининг ўсиши туфайли бир-мунча ошди. Бунинг натижасида 0-2 ёшдаги болалар салмоғи 2003 йилдаги 6,1 фоиздан 2014 йилга келиб 6,4 фоизга етди. Бу кўрсаткичлар қиз болаларда тегишли тарзда 5,9 ва 6,2 фоизни ташкил этди. Туғилган болалар ичида қиз болаларнинг сони ва улуши ўғил болаларнинг сони ва улушига нисбатан 0,4 фоизга ёки 65,2 минг нафарга кам бўлади. Ушбу тенденция кейинги ёшларда ҳам то 30 ёшгача ўз кучини сақлаб қолмоқда. Буни меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган ёшдаги ҳолат тасдиқлайди. Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли жами аҳоли улуши 2003 йилда 55,0 фоиздан 2014 йилга келиб 61,5 фоизгача кўтарилди. Ушбу кўрсаткичлар аёллар ўртасида 54,4 фоиздан 60,0 (эркакларда 63,2) фоизга етди.

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ёшдан катта аҳоли гуруҳини 2014 йилда 7,9 фоизга эга бўлиши кўп жиҳатдан аёллар сонига

¹ Йиллик статистик тўплам, 2004. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2005. – 50-53-бетлар; Ўзбекистон аҳолиси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2015. – 11-34-б.

3-жадвал. Ўзбекистон аҳолиси, шу жумладан аёлларнинг айрим ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши¹

Ёш гуруҳлари	2003 йил						2014 йил						
	Мавжуд аҳоли						Мавжуд аҳоли						
	жами		аёллар		эркаклар		жами		аёллар		эркаклар		
МИНГ КИШИ	фоизи	МИНГ КИШИ	фоизи	МИНГ КИШИ	фоизи	МИНГ КИШИ	фоизи	МИНГ КИШИ	фоизи	МИНГ КИШИ	фоизи	МИНГ КИШИ	фоизи
0-2 ёш	1542,1	6,1	749,9	5,9	792,2	6,2	1895,0	6,2	912,0	6,0	983,0	6,4	
0-15 меҳнатга лаёқатли ёшгача	9603,9	37,8	4698,0	36,9	4905,9	38,7	9116,6	29,9	4423,7	29,1	4692,9	30,7	
16-59 (54) меҳнатга лаёқатли ёшда	13991,3	55,0	6934,2	54,4	7057,1	55,6	18814,0	61,7	9118,8	59,9	9695,2	63,5	
60(55) меҳнатга лаёқатли ёшдан катта	1832,7	7,2	1111,2	8,7	721,5	5,7	2562,2	8,4	1672,8	11,0	889,4	5,8	
Жами	25427,9	100	12743,4	100	12684,5	100	30492,8	100	15215,3	100	15277,5	100	

¹ Йиллик статистик тўплам, 2004. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2005. -50-53-б.; Ўзбекистон аҳолиси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2015. -11-34-б.

4-жадвал. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганларнинг жинсий таркиби, фоизда¹

	2010 йил		2014 йил	
	аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар
Иқтисодиётда банд бўлганлар, жами шу жумладан қуйидаги тармоқларда	100,0	100,0	100,0	100,0
Саноат	11,7	14,5	11,0	14,5
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	28,5	25,5	28,0	26,4
Қурилиш	2,1	15,1	1,8	15,7
Транспорт ва алоқа	1,7	8,1	1,4	8,5
Савдо, умумий овқатланиш, тақсимлаш ва тайёрлаш	12,6	9,1	12,9	9,4
Уй-коммунал хўжалиги; аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	2,9	3,9	2,9	4,2
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	12,8	3,5	12,6	3,0
Таълим, маданият, санъат, илм-фан ва фанга хизмат кўрсатиш	20,6	8,2	20,0	7,4
Молия, кредит ва суғурталаш	0,5	0,6	0,5	0,5
Бошқа тармоқлар	6,6	11,5	8,9	10,4

боғлиқ бўлди. Ушбу ёш гуруҳидаги аёлларнинг республика жами аҳолиси ўртасидаги улуши 2014 йилда 10,2 фоизга, эркакларники эса атиги 5,5 фоизга тенг бўлди. Таҳлил 2003-2014 йилларда аҳоли таркибида аёлларнинг салмоғи 8,7 фоиздан 10,2 фоизгача ўсганини, эркакларники эса, аксинча, 5,7 фоиздан 5,5 фоизгача пасайганини кўрсатмоқда. Мана шундай ҳолат қишлоқ жойларда яна ҳам мураккаброқ тусга эга. Чунки қишлоқ жойларда меҳнат ёшидан катта ёшдаги жами аҳоли улуши атиги 6,9 фоизга, шаҳарларда 8,8 фоизга, аёллар сони эса 8,7 фоизга (шаҳарларда 11,7 фоиз) тенг.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли хусусига келинадиган бўлса, уларга хос кўрсаткичларни шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам асосан эркаклар таъминлаб бермоқда.

Кўп манбалар аёллар эркакларга нисбатан бир неча йил узоқроқ яшашини

кўрсатмоқда. Бундай ҳолатни аҳолининг ўртача ёшидан ҳам билса бўлади. Аҳолининг ўртача ёши таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида 1,7 ёшга ошди ва 27,2 ёшни ташкил этди. Бунда аёлларнинг ўртача ёши 27,8 ёшга, эркакларники 26,6 ёшга етди. Ушбу ижтимоий-демографик аҳамиятга эга кўрсаткич республика маъмурий-худудий бўлакларида бирмунча фарқ қилади.

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистонда банд аҳолининг сони ва таркибида катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Умуман олганда банд бўлган аҳолининг сони 2010-2014 йилларда 11,6 миллион кишидан 12,5 миллион кишига етди ёки 7,8 фоизга ошди². Шундан давлат секторида банд бўлган аҳоли сони камайиб, 2,3 миллион кишини ташкил этди. Нодавлат секторида банд бўлганлар сони 9,2 миллион кишидан 10,2 миллион кишига, унинг жами банд аҳоли сонига салмоғи эса 81,3 фоизга етди³.

¹ Қуйидагилар асосида муаллифлар томонидан тузилган: Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2015. -63-65-б; Ииллик статистик тўплам, 2010. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2011.

² Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2015. -62-63-б.

³ Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2014. -61-б.

Иш билан банд аёллар таркибида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди.

4-жадвал маълумотлари аёллар ва эркаклар бандлигига маълум бир хусусиятлар хослигини билдирмоқда. Асосан моддий ишлаб чиқариш тармоқларида банд аёлларнинг сони банд эркакларнинг сонидан анча кам эканлиги кўзга ташланмоқда. Шундай тармоқлар қаторига қурилиш, транспорт ва алоқа киради. Шу билан бирга, айрим ноишлаб чиқариш тармоқларида, жумладан соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот ва айниқса таълим, маданият, санъат, илм-фан ва фанга хизмат кўрсатиш тармоқларида банд аёллар сони кўплиги яққол сезилади. Баъзи бир тармоқларда эса банд аёллар ва эркаклар сонига фарқ унчалик катта эмас.

Шундай тармоқлар қаторига саноат, молия, кредит ва суғурталаш ҳамда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги киради. Айни пайтда саноатнинг айрим тармоқлари доирасида аёллар ва эркаклар бандлиги кўрсаткичлари ўртасида ҳам катта фарқлар кузатилади. Чунончи оғир саноат тармоқлари, электр энергетика, ёқилғи саноати, қурилиш материаллари, кимё ва нефть-кимё тармоқларида асосан эркаклар ишласа, енгил ва озиқ-овқат тармоқларида банд аҳолининг кўпчилигини аёллар ташкил этади. Машинасозлик саноати эса аёлларни ҳам, эркакларни ҳам иш билан таъминловчи тармоқ ҳисобланади.

Аёллар бандлигига хос яна бир хусусият уларни эркакларга нисбатан 16-24, 25-29 ва 30-39 ёшларда бандларнинг кўпчилигини ташкил этишлиги билан боғланган. Ундан кейинги 40-49 ёш гуруҳида банд аёл ва эркакларнинг улушлари тенг, қолган ёш гуруҳларида эса банд эркакларнинг устунлиги яққол кўзга ташланади.

Банд аёл ва эркакларнинг таълимий даражаларида деярли фарқ йўқ. Аёлларда банд аҳолининг 31,9 фоизи, эркакларда эса 32,0 фоизи олий маълумотга эга.

Ўрта махсус маълумотлилар доирасида банд аёллар банд эркакларга нисбатан юқорида даражага эга (44,7 фоиз ва 33,5 фоиз). Ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумот доирасида эса банд эркаклар аёлларга нисбатан юқори даражага эга (34,5 фоиз ва 23,4 фоиз) билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда 119 та шаҳар мавжуд бўлиб, улар аҳолисининг сони ва функционал таркиби бўйича бири-бирдан ажралиб туради. Бундай фарқ шаҳарлар бажараётган вазифалар, уларда мавжуд аҳолининг сони билан бандлигида ўзининг аксини топмоқда.

Агар кўп функцияли Тошкент, Самарқанд, Андижон, Нукус каби шаҳарларда аёлларга оид бандлик муаммолари яққол кўзга ташланмаса, бундай хулосани монофункционал, асосан оғир саноат ривожланган ёки саноат тармоқлари умуман бўш ривожланган шаҳарлар тўғрисида билдирса бўлади.

Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Қувасой, Бекобод каби шаҳарларнинг саноатида битта ёки иккита оғир саноат тармоғи, жумладан қора ва рангли металлургия (Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ), ёқилғи саноати (Ангрен, Шаргун), электр энергетика (Тахياتош, Ширин ва Нуробод шаҳарчалари), қурилиш материаллари саноати (Қувасой, Оҳангарон) ривожланган бўлиб, аёллар меҳнатига мос тармоқлар бирмунча бўш ривожланган ёки умуман ривожланмаган. Тўғри, ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш натижасида қатор шаҳарларнинг функционал таркибида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Яъни уларда аёллар меҳнатига мос бўлган ишлаб чиқариш (енгил ва озиқ-овқат саноатлари доирасида) ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожлантирилмоқда.

Бундай ижобий ўзгаришлар Нукус, Бўстон, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қарши каби шаҳар аҳоли пунктларида эркаклар билан бир қаторда аёлларни иш

билан таъминлаш муаммосини ижобий ҳал этишга имкон яратмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 13 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги 68-сонли қарорига биноан 965 та қишлоқ, даставвал қишлоқ фуқаролари йиғинлари шаҳарчалар қаторига ўтказилди ҳамда уларнинг умумий сони 1085 га етказилди. Шаҳар аҳоли пунктлари тармоғидаги силжишлар уларда мавжуд аҳоли сонидан ҳам тегишли ўзгаришларга олиб келди. Шу билан бирга шаҳарчаларнинг функционал таркибларида амалда деярли ҳеч қандай ўзгариш юз бермади.

Таъкидлаш жоизки, саноат корхоналарининг асосий қисми шаҳарларга, энг аввало ўрта, катта ва йирик шаҳарларга тўғри келади. Ана шу қонуниятни инобатга олган ҳолда «урбанизацияни элтувчи» вазифасини мамлакат пойтахти Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари – Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қарши билан бир қаторда индустриал марказлар Асака, Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Қўқон каби шаҳарлар ҳам амалга ошираётганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Ана шундай вазифаларни бажараётган шаҳарчалар сони унча кўп эмас. Улар қаторига Нуробод, Учқулоч, Мурунгов кабиларни кириштириш мумкин. Лекин тоғ-кон саноат марказлари бўлган ушбу шаҳарчалар урбанистик белгиларга тўлиқ эга эмас, чунки саноат уларда бир томонлама ривожланган, хизмат кўрсатиш соҳаси эса жуда паст даражага эга.

Саноатлаштириш даражаси энг юқори даражага эга Тошкент минтақаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташкил топган. Республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича Тошкент шаҳри

биринчи, Тошкент вилояти эса иккинчи ўринни эгаллайди¹.

Тошкент вилоятида саноатнинг ҳудудий таркиби ўзига хос жиҳатларга эга. Бунда Ангрен-Олмалиқ тоғ-кон тумани алоҳида аҳамият касб этишлигини айтиб ўтиш зарур. Мазкур ҳудуд таркибий жиҳатдан Олмалиқ, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарларида шаклланган саноат тугунларидан иборат. Вилоят ҳудудида ундан ташқари, Чирчиқ, Бекобод, Янгийўл каби шаҳарлар саноат марказлари сифатида ажралиб туради.

Саноат тугунлари ва марказлари ичидан Олмалиқ шаҳри алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур шаҳар мамлакат ва Марказий Осиё минтақаси доирасида рангли металлургия, кимё, қурилиш материаллари, энгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг юқори даражада ривожланганлиги билан ажралиб туради. Ангрен, Чирчиқ, Оҳангарон, Бекобод шаҳарлари тўғрисида шунга яқин фикрларни билдириш мумкин. Вилоятдаги Нуробод шаҳарчаси эса ўзининг жуда йирик Янги-Ангрен ГРЭСи билан республика ва вилоятда жуда муҳим ўрин эгаллайди.

Бугунги кундаги асосий вазифа юқорида номлари келтирилган шаҳарлардан кейинги ўринларни эгаллаб турган шаҳарлар ва айниқса катта шаҳарчаларнинг функционал таркибини, даставвал қайта ишловчи саноатни ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилиши лозим. Фақат ана шу йўл шаҳарларни мажмуали тараққий эттириш ҳамда эркалар билан бир қаторда аёлларнинг ҳам иш билан таъминланишида яхши шароитлар яратиш беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда иш билан бандлик нуқтаи назаридан аёллар сони ва таркибий кўрсаткичлари бўйича эркалардан жуда орқада қолмаяпти, аксинча айрим параметрлари бўйича ҳатто улардан устун туради.

¹ Ўзбекистон саноати. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2014. -18-20- б.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.
2. «Общественное мнение. Права человека». Гуманитарный журнал, 2014, №3.
3. «Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг демографик муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 2015 йил 3 март (1-жилд). – Урганч, 2015. -146-148-б.
4. Абдусаломов М., Алимов А., Мусиенко И. Производительные силы и совершенствования экономических связей Узбекистана. – Т.: «Фан», 1986.
5. Садыков А.М. Основы регионального развития теория, методология, практика. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2005.
6. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти асослари. – Т., ЎзМЭ ДИН, 2006.
7. Колосова Р.П. и др. Глобализация экономики и занятость населения. Учебное пособие. – М.: ТЕИС, 2000. –С. 106.
8. Вахабов А.В. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. – Т.: «Baktria-press», 2015.
9. Йиллик статистик тўплам 2004. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2005.
10. Ўзбекистон аҳолиси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2015.
11. Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2015.
12. Ўзбекистон саноати. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2015.